



# ИШОНЧ

Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 1995 йил, 10 март • 10 (204)

## УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси парламенти ташаббуси билан республика Президентининг ваколатини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар узайтириш ҳақида умумхалқ референдумини ўтказишга қарор қилинди.

Парламент қарорини қандай изоҳлаш мумкин?

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан

Президент айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир. Бу ҳолат Конституциянинг 89-модда, 2-қисмида акс эттирилган.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти 1991 йил охирида умумхалқ сайлови натижасида беш йил муддатга сайланган эди, яъни Президентнинг ваколати 1997 йилга қадар давом этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси эса 1994 йил охирида сайлаб, беш йил муддатдан иборат ваколатга эга бўлади. Унинг ваколати 2000 йилгача давом этади.

Бундай вазиятда, табиийки, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ваколат муддатлари жиҳатидан номуносиблик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлмиш Президентнинг ва Олий Мажлиснинг ваколатлари ўртасидаги номуносибликка барҳам бериш, қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятлари фаолиятини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Президентнинг ваколатини Олий Мажлис ваколатлари амал қиладиган муддатга қадар узайтириш тақозо этилади.

Нега бу масала айна ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда?

Мамлакатимизда давлатчилик шаклланаётган, бошқарувнинг самарали шакли вужудга келаётган бир пайтда, иқтисодий ҳаётда оламшумул ислохотлар жорий этилаётган бир пайтда, маънавийтимиз қайта тикланиб, куч-қувватга тўлиб, халқимиз истиқболга хизмат қиладиган бир пайтда, лунда қилиб айтганда, халқимизнинг ҳаётини барқарорлаштириш мақсадида аниқ белгилаб олинган сиёсатни олиб чиқишдан, беҳуда тортишувларсиз, гоёт изчилик билан охирига етказиш даркор.

**Иккинчидан,** дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат бошқаруви тармоқлари бўлмиш қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятларининг муайян бир даврнинг ўзида шаклланиши, уларнинг келажакда ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш учун, олдинда турган муаммо ва вазифаларни оқилона ҳал этишда бир еқадан бош чиқариб, соғлом муҳит ва соғлом мусобақа шароитида фаол меҳнат қилишлари учун қулай замин яратди.

Қонунчилик, суд ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг вақт жиҳатидан муносиблиги сайловчиларнинг айна даврдаги онги ва кайфиятига ҳам тўла жавоб беради, мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий барқарорликни, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

**Учинчидан,** ўтказиладиган референдум нафақат Президент ваколатини узайтириш масаласига умумхалқ муносабатини белгилабгина қолмасдан, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатига, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларга, истиқбол сари қўйилаётган қадамларимизга, умуман, жамиятдаги ислохотларга сайловчиларнинг асл муносабатларини ҳам аниқлашга имкон беради.

**Тўртинчидан,** Бугун — режа ва мақсадларимизни амалга оширишнинг энг нозик ва энг масъулиятли бир пайти. Айна шундай шароитда олий ҳамда маҳаллий вакиллик ҳокимиятларининг ва давлат бошчилигининг фаолияти муддатини муайян бир вақтда ҳал қилиб, ундан кейин ортқча сиёсий баҳслашувларни, сайлов ташвишлари ва юмушларини йиғиштириб, ҳокимиятнинг барча тармоқлари баробар бел боғлаб, ишончга сазовор бўлган барча шахслар халқимизга берган ваддаларига вафодор бўлиб, зиммаларига олган мажбуриятларини амалга ошириш учун астойдил ишлаши, меҳнат қилиш керак.

## ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Н. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи қақриқ биринчи сессиясидаги тарихий нутқи мамлакат аҳли томонидан қизғин ўқиб ўрганилмоқда. Олимлар, мутахассислар, давлат, жамоат арбоблари унинг тарихий аҳамиятини таъкидлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини кенг баён этмоқдалар. Қуйида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Ориф УСМОН мақоласини эътиборингизга ҳавола этаемиз.

Мен ўзимга бироз тегишли бўлган маънавият ва маданий мерос соҳасидаги айрим фикр-мулоҳазаларим билан муҳтарам "Ишонч" муҳлислари ҳузурларида баҳоли-қудрат ўртоқлашмоқчиман.

Бир машоҳид айтган эҳаи: "Моддий қашшоқ одамга ердан берса бўлади, аммо маънавий қашшоқ одамга ердан қилиш амри маҳолдир". Бизнинг халқимиз, шуқрлар бўлсинки, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бағоят бой, ижодкор, фикр-андишани, заҳматқаш, сабр-тоқатли ва олийжаноб халқ. Замаҳшарий, Термизий, ал-Бухорий, Ясавий, Гиждувоний, Қубро, Темур, Улугбек, Навоий, Жомий, Бобур, Машраб каби юзлаб-миңлаб забардаст мутафаккир ва мутасаввуф донишмандлари, сиёсий-маданий ва маънавий арбоблари билан беҳад фахрланамиз.

Маълумки, юқорида азиз номлари зикр этилган бузуқвор бобоқалонларимиз ҳақиқий мўмин-муслимон сифатида яшаб, Ислому ва шарият ақидаларига мўтақид бўлиб ҳаёт кечирдилар ва бостини баракали меҳнатлар қилиб, қимматбаҳо асарлар эзиб, азамат юртлар куриб, улкан боғроғлар, беэвол осори атиқалар яратиб, тарихимизда асло ўчмас из қолдирдилар. Президентимиз ўз маърузаларида тўғри ва маъқул таъкидлаганларидек, "Ислому дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам Иймон, ҳам

ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Айна шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушуналарига риоя этишга ҳаракат қиладилар..."

Бузуқвор бобоқалонларимиздан буюк ал-Бухорий ўзларининг забардаст саъй-ҳаракатлари, ўта зўр фидойилик, ақлу заковат ва улугвор хотираларини туфайли Расулудлоқ (с. а. в.)нинг ҳадисларини Ислому оламида биринчи бўлиб тўғри ва ҳаққоний эзиб қолдирганликларини, "Жоруллоқ" (Аллоҳнинг кўниси), деган улуг ном соҳиб донишманд аз-Замаҳшарийнинг грамматикаси орқали арабларнинг ўз тилларини ўз замоналарида ўрганганликларини эсласак, қалбларимиз зўр ифтихор ҳисси билан тўлиб — тонади.

Тасаввуфий тариқатлар борасида сўзлайдиган бўлсак, тариқат мутахассислари тасаввуфнинг қолни — араб дунеси, юраги — форс дунеси, қони ва руҳи — турк дунеси, деб бекорга айтмаганлар. Ислому дунесидаги энг йирик тариқатлардан учтаси: Ясавия, Қубравия ва Хожатон (Нақшбандия) бизнинг азиз юртимиз Туркистонда пайдо бўлган, шаклланган, ривожланган ва бутун Ислому оламга тарқалган.

Мазкур уч улкан таълимнинг моҳиятлари нақадар улугвор, қимматбаҳо ва умумбарий! Хожатон (Нақшбандия) тариқатнинг асосчиларидан бири Хожан жаҳон, Хожа Абдуллоҳ Гиждувоний айтдилар:

Дари хилват банду дари суҳбатро қушой,  
Дари шайхиро банду дари срийро қушой.  
(Хилват эзингни езиб, суҳбат эзингни оч,  
Шайхлик эзингни езиб, ер-дустлик эзингни оч!)

Шайх Нажмиддин Қубро ўз асарларининг бирида ёзганларимиз, "Ватаним ҳимоя қилиб, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида шаҳодат жомини нўш айлаш — Худо васлига етиш демокдур".

Фикри ожизимча, бузуқвор мутасаввуф бобоқалонимиз Шайх Қубронинг бу олийжаноб гоёси мустақил Ўзбекистонимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, келажак буюк давлатимизнинг озодлиги ва тинчлигини сақлаш, мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик қиладиган аскарларимиз, зобитларимиз, умуман, ешларимиз учун нақадар муҳим ва ибратому!

Еки Туркистон мулкнинг забардаст Шайхул-машойихи Ҳазрат Хожа Аҳмад Ясавийнинг бир ҳикматидаги мана бу дурдоналарга аҳамият берайлик:

Дуне учун там ема, Ҳақдин Угани дема,  
Кили молни ема Сирот узра тутаро.  
— Аҳли аёл, қаришмош, ҳеч ким бўлмайдур йўлдош,

Мардона бўл гариб бош, умринг едик Угаро,  
Кул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг билмам неча йил,

Аслинг билсанг обу тил, яна гилга кетаро!  
Ҳа, Ясавий, Қубро, Гиждувоний, Нақшбанд каби бузуқвор мутасаввуф донишмандларимизнинг ҳалоқлик, поклик, тўғрилик, иймон-этиқод, диснат, ростўйлик, меҳр-шафқат, мурувват, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, зулм-истебодга қарши кураш каби илгор, умуминсоний, умумисломий, ахлоқий гоёлари Истиқлолимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий-ижтимоий ислохотларимизни жалдлаштириш ва жонажон Ўзбекистонимизнинг дуне бўйлаб обрў-эътиборининг яна ҳам кўтарилишида бизлар учун бағоят муҳим, долзарб ва аҳамиятлидир.



Жиззах темирйўл шоҳ бекати касаба уюшмаси кўмитаси раиси Дилором Мухаммадиева ўз фаолиятини меҳнат жамоа аъзоларисиз тасаввур қилолмайди. Шунинг учун доим омма ўртасида у. Ҳаммага меҳрибон, маслаҳаттўй.

Сиз кўриб турган суратда Д. Мухаммадиева ходимлар Р. Шокирова, З. Умарова ва Х. Аввалбоевлар билан иш усулини янгича йўлга қўйиш зарурлиги масаласида суҳбатлашмоқда. Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## Қўллаб-қувватлаймиз

Куни кеча Ўзбекистон жангчи-фахрийлар бирлашмаси Риёсати барча жамоат ташкилотлари, уруш фахрийлари ва ногиронларига, пенсионерларга, ешларга ва барча меҳнатқиларга қарата мурожаат қабул қилди. Бунда жумладан шундай дейилди:

Халқимизнинг асрий орзуси рубга чиқиб, республикамиз давлат мустақиллигига эга бўлганига ҳам мана уч йилдан ошди. Миллий ўз-ўзини англаш туйғуси кучайиб, халқ анъаналари ва маданияти тикланмоқда. Жаҳондаги барча давлатлар билан ўзаро муносабатларда тенг ҳуқуқлилик тамойили қарор топтоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ўсиб, чет мамлакатлар, хорижий фирмалар билан ўзаро савдо, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар кенгаймоқда. Мустақил иқтисодийни юритиш ва ташқи сиёсат олиб бориш учун сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий шарт-шароитлар яратилган. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, умуминсоний кадрятлар устивор бўлган чинакам ҳуқуқий, демократик ва эркин жамият қуришда ўзимизга хос йўлни аниқлаб олдик. Президентимиз бошчилигидаги Республика Ҳукумати, маҳаллий ҳокимият, ташкилот, меҳнат жамоалари Ўзбекистонда яшаб турган бутун аҳолининг, биринчи навбатда кам таъминланган табақаларнинг туб манфаатларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўрмоқдалар.

Биз шуни алоҳида мамнуният билан қайд этимизки, Ўзбекистон мустақилликка эришишда, давлатимизда сиёсий барқарорликни ва миллий тотувлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашда, ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг тутган ўрни жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон жангчи-фахрийлар бирлашмаси айна шу боисдан, мамлакатимиз тинчлиги, халқлар тотувлиги, мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий режалар тўғрисида амалга оширилиш қўлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича 1995 йил 26 март, яқинда куни Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорни астойдил қўллаб-қувватлайди ва Ўзбекистон фуқароларига, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда байналмилал-жангчиларига шу кун Президент шахсига яна бир бор ўз муносабатларини билдиришни сўраб мурожаат этади. Азиз дўстлар, референдумда фаол қатнашиш билан сиз Президентимиз ўтказётган сиёсатга ҳам ўз муносабатингизни билдирасиз, келажакимиз пойдеворини янада мустаҳкамлаган бўласиз.

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишда хотин-қизларнинг ролин ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" фармон қабул қилди. Бундан мақсад ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққийт масалаларини ҳал қилишга хотин-қизларни кенг жалб этиш, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофаза этилганлигини кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, худудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиришдир.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитасининг раиси Дилбар Гулмова Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислому Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарининг Туркманистон Республикасининг Тошқовуз зилотида ўтказилган Орол денгизи муаммосига бағишланган анжуманида қатнашди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси, Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркманистон Президентлари қўшма баёнот қабул қилдилар.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ иқтисодий, илм-фан, маданият, халқ таълимини ривожлантиришдаги катта хизматлари ва фидокорона меҳнати учун ҳамда халқаро хотин-қизлар кўмитасининг билан Ўзбекистон Республикаси аёлларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари ва фахрий ериқлари билан мукофотландилар. Мукофотланганлар орасида касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгаши раиси Муҳайе Тўлаганова ҳам бор.

• **МАМЛАКАТИМИЗ** Президенти Ислому Каримов Ўзбекистон аёлларини гўзаллик ва латофат, меҳр-муҳаббат ва эзгулик айеми — 8-Март билан чин юракдан табриқлади.

• **МАМЛАКАТИМИЗДА** меҳмон бўлиб турган Германиянинг "Йепопик ГМБХ" фирмаси бошқаруви раиси доктор Лотар Шпэг раҳбарлигидаги делегацияни Ўзбекистон Президенти Ислому Каримов қабул қилди ва уларга республикамизда хорижий сармоядорлар учун яратилган шароит ва қулайликлар ҳақида сўзлаб берди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислому Каримов Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги факулдада ва мухтор элчиси Ҳасан Абдуҷалили унинг илтимосига қўра қабул қилди. Суҳбатда Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

• **НУКУСДА** Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси яқунлари ва мамлакат Президенти Ислому Каримовнинг Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси Уббинез Аширбеков шу ҳақда маъруза қилди. Бундай йиғилишлар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам бўлиб ўтиди.

## Ўзбекистон касаба уюшмалари 70 йиллиги ва XV қурултойи олдидан

### КАСАБА УЮШМАСИНИ ИЙНОМАСИДАН

1993 ЙИЛ. МАРТ. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг рус тилидаги ойда бир чиқадиган "Ишонч-Доверие" газетасининг биринчи сони чоп этилди.

1993 ЙИЛ. МАЙ. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси "Халқ ҳаваскорлик жамоаси" фахрий унвонини таъсис этди.

1993 ЙИЛ. СЕНТЯБРЬ. Тошкентда Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаларининг биринчи таъсис қурултойи бўлди.

1994 ЙИЛ. 8 ИЮНЬ. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳаваскорлик саноатини яхши ташкил қилганлиги, халқ ашула ва рақсларини ижро этишдаги муваффақиятлари учун 1993 йилда таъсис этган мукофот лауреатлари орасида Наманган вилоятидаги Косонсой пиллакашлик фабрикасининг ашула ва рақс ансамбли, Тошкент шаҳар касаба уюшмаси маданий марказининг "Тошкент" эстрада жамоаси, Ўзбекистон Республикаси Қуруллой Кучлари қошидаги ашула ва рақс ансамблининг "Юлдузлар" гуруҳи солисти Алишер Ҳолиқов, Фарғона ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқимачилик маданият саройи, Хоразм вилояти Гурлан тумани маданият уйининг "Аму-Ганг" ашула ва рақс ансамбли бор эди.

1994 ЙИЛ. СЕНТЯБРЬ. Андижондан 35 километр олисликдаги Полвонтош қишлоғида қурилган санаторий ўзининг биринчи даволанувчиларини қабул қилди. Бу санаторий Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг йигирманчи даволаш муассасаси бўлди.

1994 ЙИЛ. ОКТЯБРЬ. Самарқандда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари Халқаро Федерацияси кенгашининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг меҳнатни такомиллаштириш ва меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича иш тажрибалари кўриб чиқилди.



"Ешлик" очик турдаги ҳиссдорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Умида Мавлонова доим ўз вазифасини пухта адо этиши билан хурмат қозонмоқда.

Сураткаш К. УЛМАСОВ.

Республикада иқтисодий ислохотлар ҳаётига чуқур сингир бормоқда. Бозор муносабатлари самаралари кун сайин еркинроқ кўзга ташланмоқда. Бироқ бу жараён ўз-ўзидан ва осон кечаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида фуқароларнинг ижтимоий, меҳнат ҳуқуқлари турлича бузилишларининг олдини олиш касаба уюшмаларининг диққат марказида бўлиши керак. Аҳоли ижтимоий ҳимояси тизими қай турдаги тамойилларга асосланиши мумкин? Аввало, бу давлатнинг вазифаси бўлиб, у жамиятнинг меҳнатга яроқсиз аъзолари турмуш даражасини кўтаришга қаратилган ижтимоий истеъмол жамғармаси орқали амалга оширилишини очик-ойдин билиб олишимиз зарур. Айнан шу вазифани бажариш мақсадида 1994 йилнинг 28 августда республика Президентининг "Кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш чоралари тўғрисида"ги фармони эълон қилинган. Унда республика ва маҳаллий бюджетлар маблағларидан кам даромадли оилаларга энг кам иш ҳақининг 1,5 дан 3 бараваригача ҳажмда моддий ёрдам кўрсатиб бориш кўзда тутилган. Шу мақсадда 1994 йилнинг тўртинчи чораги учун фақат республика бюджетининг ўзидан 362 миллион сўм маблағ ажратилган.

Юқоридаги тамойилдан келиб чиққан ҳолда аҳоли ишга яроқли қатламлари фаровонлигини таъминлаш меҳнаткашларнинг шахсий даромадлари ҳамда меҳнат жамоалари жамғармалари ҳисобига амалга оширилиши зарурлигини эътиборга олиш керак. Касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ҳуқуқлари ва иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўйича фаолияти худди шу асосда шакллантирилиши даркор. Яъни мазкур ҳимоя механизми давлат хайрия-эҳсонлари асосига эмас, балки жамият томонидан ҳар бир фуқарога бериб қўйилган ва қонуний билан мустақамланган иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар асосига қурилиши керак.

Меҳнат аҳли иқтисодий манфаатлари ҳимояси моҳиятини ҳар бири мустақил таъсир доирасига эга бўлган учта йирик йўналишда ифодалаш мумкин. У ҳам бўлса, меҳнатга яроқли аҳолини энг кўп миқдорда иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш, ишловчилар барча табақаларига меҳнат ҳақларининг бозор нархларида тўланишига эришиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялашдан иборатдир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш босқичида ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш борининг муҳим омилларидан бири сифатида меҳнатга ҳақ тўлашни ислох қилиш тадбирларга катта ўрин берилиши даркор. Шу жиҳатдан 1994 йилда сурункали тус олган иш ҳақини тўлашнинг кечиктирилиш ҳоллари катта ташвиш тугдирди. Республикада

бўйича 1270 корхона ва ташкилотларда иш ҳақи икки ой ва ундан ҳам кўпроқ муддатга кечиктириб берилди. Уларда ишловчилар сони 318232 кишини ташкил этиб, ишчилардан қарздорлик ҳажми 171 миллион 677 минг сўмдан иборат бўлди. Юзага келган вазиятни бартараф этиш учун касаба уюшмалари Федерацияси республика ҳукуматида бир неча бор муроса қилди. Иш ҳақини вақтида тўлаш билан боғлиқ муаммолар асосан ҳал қилинган бўлсада, келажакда бундай ҳолатларнинг юз бериши эҳтимолидан тўла қутула олганимиз йўқ.

Меҳнатга ҳақ тўлаш муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш меҳнат унумдорлигининг ошириши ва ишлаб

этиш иш ўринларининг қисқаришига олиб келишини яхши биламиз. Лекин фақат шу йўл билангина ташқи бозордаги рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлиги ҳам маълум.

Бугунги кунда Республика Президентининг 1994 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида"ги Фармони амалга ошириш натижаларини алоҳида тилга олиш мумкин эмас. Шунинг мамнуният билан таъкидлаш керакки, ўтган давр мобайнида "кичик ҳажмдаги хусусийлаштириш" яқунланди. Унинг натижасида асосан маҳаллий саноат, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат тармоқларига қарашли 65 мингдан ортиқроқ объектларнинг мулк шакли ўзгарди.

1994 йил давомида республика бўйича умуман 2099 корхона ҳиссдорлик жамиятига айланди, 607 корхона ижара шаклида ишлашга ўтди. 1995 йилнинг 1 январига келиб халқ ҳўжалигида банд бўлганлардан 8 млн. 235 минг киши еки жами ишловчиларнинг 50 фоизига яқини нодавлат тармоқ корхоналарида меҳнат қиляпти.

Ҳиссдорлик асосида ишлаётган корхоналардан айримларининг фаолияти шунинг кўрсатмоқдаки, шу корхоналарнинг фақат бир қисминга қимматли қозғолардан фойдаланишда дастлабки қадамларни қўймоқда. Корхоналар ходимларига акцияларни сотиш жараёни ҳам давом этапти. "Ўзбекенгилсаноат" бирлашмасида, жумладан, 145 корхонадан 43 тасида акциялар сотиб бўлинган. "Еғмойтамаксаноат", "Тошкентвино" бирлашмалари корхоналарида алоқа вазирлиги ҳиссдорлик корхоналарида ҳалигача акциялар тайёрланмаган ва уларни сотиш механизми ишлаб чиқилмаган.

Амалда корхоналарда ишловчиларни ўз мулкларига ҳанузгача боғлай олмадик. Бинобарин ижарадаги корхоналар ҳамда йирик давлат корхоналарида мулк ҳали ўз эгасини топгани йўқ. Шундай шароитда барча бўғинлардаги касаба уюшмалар ходимларига мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида ишловчилар ижтимоий муҳофазаси амалдаги норматив ҳужжатларда кенг кўзда тутилганини эслатишни жоиз ҳисоблаймиз. Бу жараёнлар доимий равишда тармоқ касаба уюшма қўмиталари назорати остида бўлиши шарт. Мулк шакли тўлиқ ўзгарганигача ҳамма босқичларда касаба қўмиталари фаол иштирок этишлари лозим.

А. АБДУҚАЮМОВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси кенгашининг бўлим мудири.

## ЯХШИЛИК

Шароф Рашидов номидаги жамоа ҳўжалигида Холисхон Раҳмонова саккиз йилдан бери бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси бўлиб ишлайди.

— Одамлар касаба уюшмамизнинг беминнат хизматини, ҳар вақт суянч бўла оладиган ташкилот эканлигини жуда яхши тушуниб олишган, — дейди Холисхон.

— Ҳўжалигимизда асосан анор ва бошқа мевалар етиштирамиз. Бу ерда 778 киши ишласа — ҳар бири ердимимиздан манфаатдор. Ҳар бирининг ҳаётидан, тақдирдан хабардоримиз. Ўзим эса ниҳоятда қизиқиб ишлайман. Чунки бутун ҳаётти-ҳаракатимиз одамларга яхшилик қилишдан иборат-да!

Бағри кенг, чеҳраси очик, хўшмуомала, дилбар бу аёлга бир зумда бизнинг ҳам хўшмуомали ошди.

Бир умр одамларга яхшилик қилган қувалик машҳур пахтакор Мусажон Шербўтаевнинг ташаббуси билан 1979 йили Фарғона водийсининг Ўртабўз қир адирида "Анор" совхозини тузилган эди. (Ўтган йили жамоа ҳўжалигига айлантирилди). Ҳа, анор кенгликни, шабада-ю куеш нурини еқтиради. Биринчи анор ниҳоли Шароф Рашидовнинг табарруқ қўллари билан ўтказилган эди.

Ўшанда катта қуватга эга бўлган насос станцияси қурилиб, Катта Фарғона канали ва Каркидон сув омборидан 180 метр баландликка сув чиқарилиди ва бетон ариқлардан боғларга оқизилди. 400 гектар анорзор барпо этилди. Ҳозир эса ҳўжаликнинг 628 гектар боғи бор.

Чор атрофдаги қишлоқлардан қатнаб ишлаган ешлар учун пишиқ гиштдан 176 та ажойиб уйлар қурилди. "Анор гули" номли 150 ўринли икки қаватли боғча, клуб, 464 ўринли мактаб, дўкон, тиббиёт пункти, лимонхоналар барпо этилди. Совхоз директори (ҳозир раис) Мастура Сайфидинованинг саъй-ҳаракати билан хонадонларга табиий газ келди. Ҳа, қир адирида боғ-роғли шаҳарча бунёд бўлди, худди эртақлардайдек.

— Президентимиз фармонида биноан ўша гиштли уйларнинг ҳаммасини хусусийлаштириб олдик, — дейди Холисхон. — Барча қуваликларга, томоққага эга бўлган беш хоналик ерур, шинам уйлар ўзимизники. Шундан 33 та уй ўқитувчилар, тиббиёт ва маданият ходимлари, I ва II гуруҳ ногиронлари ва боқувчисини йўқотган кишилар учун бепул хусусийлаштириб берилди. Бу ҳаёт халқимизнинг руҳини кўтариб юборди.

— Бу уйларда ўғил-қизлар вояга етаётган. Келинлар тушяётган. Уйлар торлик қилиб қолса-чи?

— Йигитлар уйландими, уларга ер берилди уй қуриш учун. Қўшини ҳўжаликлардан қатнаб ишлайдиган ижарачиларга эса ўша ҳўжаликларнинг касаба уюшма қўмитаси, раҳбарлари билан келишиб, ер олиб бераймиз. Масалан, шу йилнинг ўзида "Бўстон", "Наврўз", "Ҳақиқат" жамоа ҳўжаликларига яшаб, бизда ишлайдиган Миродил Мансуров, Шухрат Эргашев, Ғайрат Кенжаевларга ўз уйларига яқин ердан томоққа олиб бердик. Ҳамкасбаримизга сўзимиз ўтади.

— Ҳозирда аъзолик бадалларининг катта қисми ўзларинида қоляпти. Бу маблағ асосан нималарга сарфланяпти?

— Биринчи навбатда одамларнинг сиҳат-саломатлигига. Киши соғ бўлса — меҳнатда барака, ҳаётида мазмун бўлади. Биз ҳўжалик аъзоларига истаган санаторийсига бепул йўлланма топиб берамиз. Ўтган йилнинг ўзида, — Холисхон қалин дафтарни арақлашга тушди, — 17 киши дам олиб, даволаниб келди.

— Яна қандай имтиёзлар бор?

— Ҳар бир ижарачи маоши миқдориди ҳар йили моддий ёрдам олади. Яхши ишлаганлар мукофотланади. Кам таъминланган оилаларга ун, гуруч, гишт, чой берилди. Яна шуниси қувончли-ки, ҳар бир ижарачи ўзи парвариллаган боғининг мевасини ўзи териб, ўзи сотади, истаган нархида.

Қолган мевалар консерва цехида қайта ишланади. Кунига 1,5-2 минг банка компот тайёрляняпти. Сотиб, яна одамларнинг яхши кўнралига сарфляймиз. Раисимиз Мастурахон ишбилармон, меҳнатсевар, ҳисоб-китобни биладиган, одамларга яхшилик қилишга шошиладиган раҳбарлардан.

— Ариза ва шикоятлар қай аҳволда?

— Гапнинг очиги шикоятга ўрин қолдирмаймиз. Ўтган йили турли илтимослар билан қўмитамиз номига 10 та ариза тушган эди, бу йил 4 та ариза олдик. Ҳаммаси ўз вақтида ҳал қилинди.

— Ниятиниз?

— Ниятим ҳўжалигимизда спорт ишларини ривожлантириш. Ҳар бир ишловчинини, унинг оиласини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, Президентимиз фармонларининг, ҳукуматимиз қарорларининг бажарилишига ҳисса қўшишдан иборат...

Холисхон еш, ғайратли, обрўли аёл. У касаба уюшма қўмитасининг ишлари бундан ҳам жонли, ибратли бўлишига эришяди, изланади, деган умиддамиз.

Саният МАҲМУДОВА,  
"Ишонч" мўхбири.

МАРТ

ДУШАНБА, 13

ЎзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" устaxonаси.
18.30 "Солиқ".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Кўзунчоқ".
19.00 "Йўлингиз беҳатар бўлсин!".
19.30 "Интилиш".
20.00 "Ташрифлар ва таклифлар".
20.10 "Саломат бўлинг!".
20.10 — 21.55 Бевоcита мулоқот.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".

"ОМАД" таништиради:
20.30 "Совға".
21.00 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.15 Жаҳон географияси.
22.05 Эълонлар.
22.10 Видео—"О".
23.50 Эълонлар.
23.55 "Курьер".
00.15 "...яна об-ҳаво ҳақида".
00.25 "Постфактум".
00.35 — 00.55 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 "Ҳаммагани тилида".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Кумушранг шар". Кўрсатувни В. Вульф олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 А. И. Солженицин билан учрашуви.
21.55 "Ван Дамм, Ван Дамм..." В. Молчановнинг муаллифлик кўрсатуви.
22.35 — 22.45 "Спорт уик-энди".

СЕШАНБА, 14

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Шаҳар чеккасида". Бадий фильм.
10.20 "Оддий кун". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 "Кашф этилаётган имкониятлар".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
12.00 "Болалар меҳмонхонаси".
12.30 "Ёшлик" студияси. "Эъзо".
13.10 "Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
13.40 — 14.10 Камер куйларидан концерт.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 Болалар учун. "Кўнғирочқа".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Адолат". Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ташаббус-94". Республика тадбиркорларининг II кўрик-танлови якунларига бағишланган кўрсатув ва концерт.
21.45 "Барҳайт наволар". Ўзбекистон халқ артисти Эътибор Жалилова.
22.35 — 23.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультикарусель".
18.55 Ҳайвонот дунёсининг сирлари.
19.45 Янгиликлар.
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеоғид.
20.55 "Теле-ателье-шоу".
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 "Киннигоҳ".
23.25 — 23.45 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Дилдан ўйнаб, яйра кувнаб".
20.25 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари".
20.55 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
22.15 "Уммондан томчи".
22.50 "Бизнес-банк".
23.05 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
23.35 — 23.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Рус йўналиши".
18.30 "СБ" жумбоғи".
18.40 "Ҳужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 22.20 "Гол".

ЧОРШАНБА, 15

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Оцеола". Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 "Жон қизлар, жон қизлар". Концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
12.00 "Ҳазалхон ёшлигим".
12.40 "Алифбо сабоқлари".
13.10 — 15.10 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 "Маърифат бешиги".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Таниш чехралар". Кинокўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ОЛДИДАН".
21.30 "Муҳаммад Раҳимхон Феруз". Ҳужжатли фильм премьераси.
22.25 — 22.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Дарсга кўнғирок...".
19.15 "Мусиқий меҳмонхона".
20.15 "Шоҳсупа сари".
20.30 "Тошкент оқшомида".
21.30 — 23.10 "Кинематограф".

ЎзТВ III
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.50 "Мулоҳаза".
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
"ОМАД" таништиради:
21.15 — 00.15 "СПОРТ КИТЪАСИ".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

ПАЙШАНБА, 16

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Буюк Ҳалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Онажон, мен тиркиман". Бадий фильм.
10.05 Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 "Кафолат".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 "Ёшлик" студияси "Мактубларингизни ўқиб...".
12.40 "Ёшларижоди". Салоҳиддин Ну-

ралиев.
13.05 - 15.05 "Синов даври". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Булоқлар кўз очганда".
19.40 "Мерос". Замахшарий.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда—Навойи вилояти.
21.40 Юнус Ражабий номдаги мақом ансамблининг концерти.
22.20 "Театр учрашувлари".
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.55 "Бир шингил хангома".
19.05 "Ишингиз бароридан келсин".
19.40 "Теле-ателье-шоу".
19.50 Видео янгиликлари.
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Киннигоҳ".
22.45 — 23.05 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.40 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Бевоcита мулоқот".
20.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
21.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
21.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.50 — 23.30 "Мусиқий жилолар".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.30 Мультифильм.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Вивьен Ли.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Қадимий вулқон тизмаларида". Телевизион ҳужжатли фильм.
19.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. 1/4 финал. "Пари Сен-Жермен" (Франция) — "Барселона" (Испания). 1-тайм. Франциядан кўрсатилади.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. 1/4 финал. "Пари Сен-Жермен" (Франция) — "Барселона" (Испания). 2-тайм. Франциядан кўрсатилади.
22.30 — 22.50 "Москва, Кремль".

ЖУМА, 17

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Ўзбекистон—гуллар ўлкаси". Кинодастур.
9.40 Инглиз тили.
10.10 "Ёшлар билан юзма-юз".
10.50 "Ўқитувчилар, Сизлар учун".
11.10 Скрипка тароналари. Марлис Юнусонова чалади.
11.40 "Вазият".
12.15 "Қирқ хунар ҳам оз".
12.45 — 13.20 "Адиб ижодхонасида". Одил Ёқубов.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтоймиз — гижингоймиз".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Нон таъми".
19.40 "Санъат олами".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ОЛДИДАН".
21.30 Кува тумани "Анор" ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти.
22.05 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. "Алишер Навоий". Бадий фильм.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув.
19.10 "Учқун".
19.40 "Саломатлик — туман бойлик".
20.10 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
20.40 "Билиб қўйган яхши".
21.05 "Бу бўстон аро".
21.35 — 22.35 "Тошкентнома".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Колумб кашф этган дунё".
20.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.10 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.55 "Бу ажиб дунё".
22.15 — 22.25 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.
19.45 "Мультикарусель".
20.00 "Ислоҳот ва масъулият".
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

"ОМАД" таништиради:
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 "Панорама".
22.00 "Салом, ёшлар!".
22.40 "Даракчи".
22.50 Эълонлар.
22.55 Видео—"О".
00.35 — 00.55 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қонун".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Ҳафтининг машҳур кишиси".
22.00 — 23.05 "Детективлар клуби"да. "Машҳур детективлар". Бадий фильм. 4-фильм — "Опти мурда" (Франция).

ШАНБА, 18

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Қувноқ стартлар".
9.30 Т. Ҳасанов, Р. Азизхўжаев, Ҳ. Муҳаммад. "Куёвлар конкурси". Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
11.30 "Сумалак". Телефильм.
11.45 "Ёшлик" студияси. "Зиё".
12.55 "Эл хизматида". Коммунал хизмат ходимларига бағишланган кўрсатув ва концерт.
13.55 — 15.55 "Маънавият" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультифильм.
18.10 Болалар учун. "Умид учқунлари".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Оламга савҳат". Кинокўрсатув.
20.00 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Офарин-94". Замонавий ўзбек астрада санъати танлови голубларининг концерти.
22.00 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
23.00 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
23.10 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультикарусель".
9.25 Ҳайвонот дунёсининг сирлари.
10.15 Янгиликлар.
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеоғид.
11.25 "Теле-ателье-шоу".
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 "Киннигоҳ".
13.55 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").
14.15 — 18.30 "Спорт қитъаси". "Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Табассум".
19.10 "Антенна".
19.40 "Пульс".
19.55 "Акс-садо".
20.25 "Менинг кўчам".
20.40 "Эсдалик учун дастхат".
21.05 "Гладнаторлар". Спорт шоу дастури.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Колумб кашф этган дунё".
20.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.10 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.55 "Бу ажиб дунё".
22.15 — 22.25 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Колумб кашф этган дунё".
20.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.10 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.55 "Бу ажиб дунё".
22.15 — 22.25 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ақлли болалар ва оқила қизлар".
18.55 "Бешинчи сайёра". Ахборот-публицистик кўрсатув.
19.45 "Бешинчи бурчак". Телесериал. 6-серия (АҚШ, "Коламбия пикчерс").
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.45 "Кани ва Апель". Телесериал. 6-серия (АҚШ, "Коламбия пикчерс").
22.30 — 23.10 "Зиновий Гердт ҳикоя қилади..." Ҳажвий кўрсатув.

ЯКШАНБА, 19

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 Халқ севган достонлар. "Кун-туғмиш". Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов ижро этади.
11.30 "Шоҳруҳ" клуби.
12.00 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйин.
12.50 "Актёрлар ва роллар". Тўти Юсупова.
13.50 — 15.50 "Кичкинтой" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультифильмлар дастури.
18.20 "Қўшиғим, жон қўшиғим".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Ойнаи жаҳонда...".
19.55 "Тасвир". Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 Дам олиш концерти.
21.45 "Энг жозибали, энг латофатли киз". Бадий фильм.
23.10 — 23.40 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
9.00 "Омад" тақвими.
9.05 "Жозиба".
9.25 "Бир шингил хангома".
9.35 "Ишингиз бароридан келсин".
9.50 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.10 "Теле-ателье-шоу".
10.20 Видео янгиликлари.
10.45 Янгиликлар.
10.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.

11.35 "Киннигоҳ".
13.15 — 13.35 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.50 Жаҳон географияси.
18.45 Эълонлар.
18.50 Видео—"О".
20.30 Эълонлар.
20.35 "Курьер".
20.55 "... яна об-ҳаво ҳақида".
21.05 "Постфактум".
21.15 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").
21.35 "Автоклуб".
21.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.05 "Панорама".
22.35 "Даракчи".
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео—"О".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультифильм.
9.40 "Олтин атиргул" ғори". Телевизион бадий фильм. 8-серия.
10.30 "Коллекция".
10.50 "Менинг кўчам".
11.05 "Маски-шоу".
11.20 "Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик".
12.20 "Кинематограф".
14.00 — 14.10 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Ёшлик" оқшоми.
20.20 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.45 "Ҳўзаллик бунёдкорлари".
22.15 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.25 "Мусиқий савҳат".
22.55 "Бу ажиб дунё".
23.15 — 23.25 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.


"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.20 Янгиликлар.
18.30 "Хунарли хор бўлмайдн".
18.35 "Уолл қаерда?". "Чипмансларнинг саргузаштлари". Мультифильмлар (АҚШ).
19.30 "Эй йўллар, фронт йўллари..."
19.40 "Бутун Россия".
20.20 Луи де Фюнес "Музлатилган" бадий фильмида (Франция, 1969 й.).
22.00 — 22.50 "Якшаанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.

"Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" дастуридан.

## ХАЙРИЯ КИТОБЛАР

Жиззахлик Анваржон Хусайновнинг меҳнат фаолияти Москва шаҳридаги "Русто-Рости" молия ва саноат корпорацияси билан боғланган. У ана шу корпорация директорлари кенгашининг раисидир. А. Хусайнов яқинда Жиззах педагогика институтига 100 дан зиёд қимматбаҳо китобларни бепул тортиқ қилди. Хайрия китоблари институт ректори, профессор Содиқ Нишоновга топширилди. Ҳамюртимиз А. Хусайнов бундай хайрли ишни яна давом эттирмоқчи. Институт талабалари эҳтиёжи учун керакли бўлган нодир китобларни тўплаб институт кутубхонасига жўнатмоқчи. Бундай хайриядан, кўрсатилаётган қимматдан институт талабалари мамнун бўлишмоқда.

"Ишонч" мухбири.



### СЕҲРЛИ КВАДРАТ

Бу сеҳрли квадратни Чин мамлакатли олимлари 3 минг йил муқаддам ўйлаб топганлар. Унинг сеҳри нимада?

Азиз газетхон, буни сизнинг ўзингиз оила даврасида топганингиз маъқул. Фикрингизни телефон ёки хат орқали маълум қилсангиз — хурсанд бўламиз.

31	8	○	○	30	3
○	○	○	○	○	○
○	○	○	○	○	○
34	1	○	○	35	4
7	32	○	○	6	29
2	33	○	○	3	36

### 74 ВА III

Бу квадрат ҳам галати хосиятга эга. Ундаги бўш катакчаларни ва рақамларни кўряпсизми?

Шу туришда рақамларни хоҳ тиккасига, хоҳ ён томонга ҳисоблаб қўшиб чиқсангиз — 74 сони келиб чиқади.

Энди бўш катакчалардаги доирачалар ичига шундай рақамларни ёзиб чиқингиз, унда рақамлар йиғиндиси тиккасига ҳам, ёнига ҳам 111 га тенг бўлсин.

Жавобларни бизга ёзиб юборинг.

## Илми нужум талқинлари

ДАЛВ (20.01 — 18.02) ойда туғилганлар учун бу ҳафта омад келтириши кутулади. Шунинг учун режадаги ишларга астойдил киришавериш мумкин. Жумладан, савдо-сотиқ билан шуғулланиш, шартномалар тузиш, хизмат сафарига чиқиш, масъул кишиларга мурожаат қилиш билан яхши натижаларга эришилади.

ХУТ (19.02 — 20.03) ойда туғилганлар учун ҳафта дастлабки куни наҳс, қолган кунлари омадли бўлиши кутулуру. Шунинг учун ҳафта бошида ҳар қандай фаолиятни тўхтатиб туриш маъқулдир. Бу кунлари болалар тарбияси ва рўзгор ишлари билан машғул бўлиш маъқулдир. Кейинги кунлари эса меҳнат фаолиятини давом эттириверилса, кутилмаган учрашувлар, яқинларининг сафаридан қайтиши, қариндошларнинг юмушлари енгил кўчиши мумкин. Ҳафта давомида хайри-эҳсон қилиб туриш яхши натижалар беради.

ҲАМАЛ (21.03 — 21.04) ойда туғилганлар учун бу ҳафта осойишта ўтади. Ортиқча ташвишлар, ортиқча хурсандчиликка сабаб бўладиган воқеалар юз бермайди. Яхши соҳа кишиларни зиёрат қилиш, уларнинг суҳбатига бўлиш, ота-онанинг хурматини қозониш кўп фойдалидир. Ушбу кунлари ичкиликбозлик ва бузуқчиликка берилмаслик қатъий зарур. Аксинча осойишта ўтаётган ҳафтанинг тўс-тўполонга айланиб кетиши эҳтимоли бор.

САВР (22.04 — 20.05) ойда туғилганлар учун бу ҳафта таҳликали ва

## МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

нотинч ўтиши кутулур. Хусусан, оилада фарзандларга алоҳида ғамхўрлик лозим, акс ҳолда нотинчлик рўй бериши мумкин. Молия билан боғлиқ мураккабликлар, нохушликлар юз бериши мумкин. Буларнинг олдини олиш учун аввало атрофдагилар билан хуш муомала бўлиб, ҳеч кимсани ноҳақ хафа қилмасликка уриниш ҳамда ўзини пок сақламоқ лозим. Молиявий тангликни бартараф қилмоқ учун эса ёлғондан сақланиш, омонатга хиёнат қилмаслик, хайр-эҳсон бериб туриш талаб қилинуру. Бу ҳафта ичи кўпроқ оила билан вақт ўтказиб, сафарга чиқишдан тўхталиб турмоқ маъқул.

ЖАВЗО (21.05 — 21.06) ойда туғилганларни аввалги ҳафта югур-югурлар кўлайгани сабабли чарчоқни ёзиш кунлари кутади. Лекин ҳаракатда бўлмоқ кўп натижаларни насиб қилуру. Ҳафтанинг аксари кунлари хотиржамлик ва осойишталик билан ўтади. Иқтисодий жиҳатдан катта даромад орттириш билан оилавий ҳаётда қувончли воқеаларга йўл очилади. Ҳафтанинг сўнги кунлари сафарга чиқиш, масъулларга нш юзасидан мурожаат қилиш мумкин.

САРАТОН (22.06 — 22.07) ойда туғилганлар учун бу ҳафта омадли келади. Савдо-сотиқдан катта даромад, илмий ишларда муваффақиятларга эришиш, юқори мансабга кўтариллиш имкони туғилиши кутулуру.

АСАД (23.07 — 22.08) ойда туғилганлар учун бу ҳафта наҳс аралаш келиши кутулади. Илҳож борнига савдо-сотиқ билан шуғулланиш, шартномалар тузиш, сафарга чиқишлар, янги жойда иш бошлаш, бирон кишига мурожаат қилишларини тўхтатиб турмоқ мақсадга мувофиқдир. Ҳафта давомида баъзи нохушликлар содир бўлиши ҳам мумкин. Жумладан, иш жойида тушунмовчилик туфайли раҳбар билан ора бузилиши ҳоллари юз бериши мумкин. Лекин меҳнатдан қочмаслик керак.

СУНБУЛА (23.08 — 22.09) ойда туғилганлар учун бу ҳафта жуда мароқли ва сермазмун ўтиши кутулуру. Бутун ҳафта давомида кўзлаган натижаларга эришилади. Раҳбарлар қабулига кириш ҳам яхши натижалар беради. Ҳафта ичи эски кадрдонлар билан учрашув, оилада қувончли воқеалар рўй бериши кутулуру. Мазкур ойда туғилганлар ўзларини рисоладагидай тутишлари лозим.

МЕЗОН (23.09 — 22.10) ойда туғилганлар учун бу ҳафта наҳс келиши кутулуру. Шунинг учун барча фаолиятни тўхтатиб, оилада бўлиш, ўтган ишларнинг ҳисоб-китоби билан шуғулланиш маъқулдир. Акс ҳолда ҳафтанинг наҳслиги икки баробар ортиб кетади. Бу кунлари яхшилар суҳбатига бўлиш, ота-онани зиёрат қилиш наҳсликни кесуру.

АКРАБ (23.10 — 21.11) ойда туғилганлар учун бу ҳафтанинг аввали омадли бўлиб, қолганлари наҳс аралаш келиши кутулуру. Аввалги кунлар барча ишлар билан шуғулланиш мумкин. Иш жойида кутилмаган хурсандчилик рўй беради. Муҳаббат борасида ҳам яхши натижага эришилуру. Сафарга чиқиш, янги иш бошлаш, маросимлар ўтказиш, савдо учун сармоя қўйиш билан бемалол шуғулланиш мумкин. Қолган сўнги кунлари эса оила билан дам олган маъқул.

ҚАВС (22.11 — 21.12) ойда туғилганлар бу ҳафта ўзларини доимий ишларини давом эттириверишлари дуруст. Аммо янги бирон иш бошлашдан наф чиқмаслиги хавфи ҳам бор. Иш юзасидан сафарга бориш ёки дам олиш, омада чиқишлар кўп манфаатли бўлуру. Ҳафтада соғлиқни яхшилаш ишлари билан шуғулланиш ҳам фойдалидир. Молиявий соҳада деярли ўзгариш бўлмас, мабодо бўлиб қолса, натижалли бўлуру.

ЖАДДИ (22.12 — 19.01) ойда туғилганлар бу ҳафтани хурсандчилик билан ўтказишлари кутулуру. Оилавий ҳаётда қувончли воқеалар содир бўлуру. Шу билан бирга ишхонада ҳам кўпдан орзу қилинган ишлар юз бериши мумкин. Қўлларига катта миқдорда маблағ тушиши кутулажак. Шубҳали туйилган ишлари узил-кесил яхши ҳал бўлишига умид бор. Бу хурсандчиликларнинг барчаси мазкур ой фарзандларига маънавий пок ва ҳалолликларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Валлоҳу аълам.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОҲЛАР

### БАРЧА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, ХУСУСИЙ ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Андижондаги

"Чинор"

ҳиссадорлик жамияти ўзида ишлаб чиқарилган ўттиз турдаги халқ истеъмоли моллари (аёллар халатлари, тунгги кўйлақлари, эркаклар ички ва устки кийимлари, болалар ички ва устки кийимлари, махсус иш кийимлари, иш қўлқоплари, чойшаб, кўрпағилоф, ёстиқ-жилд жамламалари)ни белгиланган нархдан маълум фоизга арзонлаштириб сотади. Маҳсулотлар сифатига кафолат берилади.

Ҳисоб-китоблар нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Манзил: 710002 Андижон шаҳри, Фитрат кўчаси, 256-уй. Андижон коди — 8.374-22. факс: 5-74-20. Телефонлар: 5-13-10; 5-37-54; 5-86-57.

Икониқатдан  
фойдаланинг, Азизлар!

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ  
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир  
Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,  
Абдуманноп АЛИМБОВ,  
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,  
Тургунбой МАДИЁРОВ,  
Тургун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,  
Мухайё ТУЛАГАНОВА,  
Ратно УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,  
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36  
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89  
• Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва муҳ-  
бирлар билан ишлаш — 56-82-79  
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт,  
маданият, маънавият ва хатлар —  
56-87-78, 56-87-63

• Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ  
МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ  
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10  
Бухорода — 3-50-10  
Гулистонда — 2-24-98  
Жиззахда — 2-31-41  
Навоийда — 3-52-99  
Наманганда — 6-22-10  
Нукусда — 2-44-46  
Самарқандда — 35-64-22  
Термизда — 2-70-07  
Тошкентда — 56-82-79  
Фарғонада — 4-28-29  
Урганчда — 6-03-40  
Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган  
қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан  
ошмаслиги лозим) ва суратлар  
муаллифларга қайтарилмайди,  
фойдаланилмаган хатларга жавоб  
юборилмайди. Таҳририят  
воситачилик қилмайди. Мақола-  
лардаги ҳамда реклама ва  
эълонлардаги фикр-мулоҳазалар,  
келтирилган факт ва рақамлар  
масъулияти муаллифлар ҳамда  
реклама ва эълон берувчилар  
зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа  
бошлаган.



• СОТУВДА эркин нархда.  
• Жума кунлари чиқади.  
• Босишга топшириш вақти —  
19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,  
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда  
Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси  
томонидан 5 рақамли гувоҳнома  
берилган.

• IBM компютерида терилди ва  
саҳифаланди. Офсет усулида  
босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма  
табоқ.

• «Шарк» нашриёт-матбаа концерни.  
Корхона манзили. «Буюк Турон»  
кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-0076

-1 2 3 4 5 6